

НАВОЙ ЛИРИКАСИДА БАДИЙ ТАСВИРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Хурматой Шералиева,

Фарғона вилояти Қува тумани 16- умумий ўрта
таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Алишер Навоий ғазалларидағи бадиий тасвир воситалари, лирик қаҳрамон руҳиятининг бадиий ифодаси, табиат ҳодисаларидағи тасвиirlар бадиийлик нуқтаи назаридан ўзига хослигига оид илмий-назарий қарашлар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: бадиий тасвир, лирик қаҳрамон руҳияти, бадиийлик, образлар талқини, анъанавийлик, янги талқин.

Навоий лирикаси ўзининг бетакрорлиги, нафосати ва бадиий тасвиirlинг ўта ўта нафис ва аниқлиги билан ажralиб туради. Бадиий тасвиirdаги мукаммаллик жуда кўп изланишлар, тажрибалар, кашфиётлар туфайли қўлга киритилиш сир эмас, албатта. Навоий бу борада жуда кўп изланди, ўзидан олдинги ва замондош улкан форсийгўй ва туркийгўй шоирлар ижоди билан, уларнинг ижодий тажрибалари билан яқиндан танишди, улардан ўрганди ва ўзи ҳам бу йўналишда янгиликлар ихторо қилди. Натижада Навоийнинг ҳеч кимга ўхшамаган ва ижодини индивидуаллаштириб турадиган ўзига хос бадиий тасвири шаклланди. Бу ҳақида Навоийшунос олим Ҳ.Жўраевнинг куйидаги сўзлари жуда ўринлидир:

“Чинакам сўз санъаткорлари анъанавийликнинг кучлилиги натижасида оммалашган тасвир воситалари ҳамда усулларидан қаноатланмай қоладилар. Анъанавий ташбеҳлар ва бошқа бадиий унсурдарнинг нисбатан чекланган майдонида инсоний кечинмаларнинг ранг- баранг ва бепоён уфқларига интиладилар. Қалб кечинмаларини ҳаққоний ва ёрқин ифодалаш, руҳий – психологик талқинни биринчи планга қўйиш шоир лирик қаҳрамонини шеърхон билан маънавий яқинлаштиради, уларни сирдош ва дилдош қиласи.”

Навоий шеъриятида анъанавийлик қобигида қолиб кетмаслик, оммлашган тасвир воситалари ва усулларининг янги қирраларини излаб топиш ва натижада эски воситанинг янги талқинини вужудга келтириш, ўзига хос хусусиятларидан бири саналади. Шоир қатор лирик асарлари ва достонларида ижоддаги наваторлик ҳақида айтиб ўтар экан, ўзи ҳам шунга амал қиласи.

Навоий услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетар экан, энг аввало, ундаги синчковлик ва ростгўйликка эътибор қаратиш зарур бўлади.

Шоир ҳар қандай ҳолатда, айниқса, ижодда ростгўйликка алоҳида эътибор қаратади. Сўз ичида ёлғон, нописанд эканлигини уқтиради. У сўзнинг (тил ва шу жумладан, бадиий сўзнинг) қудрати ва жамият ҳаётида тутган ўрнининг бекиёслигини қайта-қайта таъкидлайди ва шундай ёзади:

Кўнгил дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур. (“F.C”468)

Шоир услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири мисралар қатига сингдирилган кўп маънолиликдир. Адабиётшуносликда бу ҳодиса ийхом санъати деб юритилади. Навоий ҳали йигитлик чоғидаёқ, бу усулни пухта ўзлаштириб олганлиги ва бадиийликда ундан ўринли фойдаланганлиги маълум. Бу ҳақда шоирнинг ўзи Ҳиротдан Самарқандга жўнаш олдидан дўсти ва устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзиб қолдирган маснавийсида шундай ёзади:

Агар хосса маъни гар ийхом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур...

Навоий ўзининг ҳар бир фикрини далиллаш, поэтик образи хусусиятини ойдинлаштириш учун энг аввало, табиатдан ўхшаш мисоллар топа олади. Шоир учун тасвир объектига айлана олмайдиган бирор нарса, табиат ҳодисасини топиш жуда мушкул иш.

Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,
Ерга тушар мева, йифоч сарбаланд.
Разлға – рифъат, билик аҳлиға – ранж.
Тоғ уза хорову, ер остида ганж...(116)

Деб ёзади шоир ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” достонида. Жамият, давр,adolat ва адолатсизлик ҳақидаги ўз фалсафий қарашларини бир қарашда оддий туюлган табиий ҳодисалар: меванинг тўкилиши билан дараҳт шоҳларининг қад ростлаши, тоғлар қаъридаги қимматбаҳо маъданларнинг тош остида ётиши жуда катта ижтимоий тенгсизликни англатиши мумкинлиги хаёлга ҳам келмайди. Аммо Алишер Навоийнинг юксак маҳорати шундаки, у арзимас ҳодиса ва нарсалардан улкан ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий хуросалар чиқара олади. Юқорида келтирилган парчада шоир зулм туфайли мева – эзгуликнинг поймол бўлиши, йифоч – сарбаланд бўлишига олиб келишини таъкидлар экан, бундай жамиятда разилликнинг юксакликка кўтарилиши, билик аҳлининг ранжу маломат чекишига ажабланмаслик керакдейди ва ўз фикрини табиатда ҳам қимматбаҳо маъданларнинг тош остида ётиши билан далиллайди.

Яхши очилмиш баҳоринг гуллари, эй боғбон,
Гам хазони хуштур авроқини барбод этмаса...

деб ёзади шоир яна бир ғазалида. Бу ғазалда ҳам шоир ўз бадиий тасвир услубига содиқ қолиб, табиат ва инсон ҳаётининг бир-бирига ўхшаш

кирраларини топа олган ва ундан ибратланишга чақирган. Дунёниг ишини қарангки, гулларнинг очилиши ва муаттар атри элга баҳор келганидан, хурсандчилик бошланганидан далолат берса-да, уларнинг ўзи тириклик билан хайрлашиш арафасида бўлади. Бу ҳолни қўпчилик пайқамайди ва ҳаёт билан аллақачон видолашаётган гулларга боқиб, уларнинг гўзаллигидан завқланади, аммо синчков шоир гулнинг гўзаллигига ҳам умр ўткинчилигини қўрган ва шу ўткинчи умрда гулларга ўхшаб элга шодлик улашиб яшашлик баҳтига мұяссар бўлиш қанчалар ёқимли эканлигини яна бир карра ҳис этганда, қаламидан шу сатрлар тўкилганига шубҳа қилмасак бўлади.

Навоий шеъриятида бадиий тасвирнинг ўзига хослигини таъминлаган асосий омиллардан бири табиат манзаралари талқинига кенг ўрин берилганигидир. Шоир бадиийликни таъминлаш мақсадида табиатнинг барча лавҳа ва ашёларига мурожаат этади. Ҳар бир лавҳа ёки ашёнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда гўзал поэтик манзаралар яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Жўраев Ҳ. Лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти. Тошкент. “Фан” нашр.2008. 45-б.
2. Алишер Навоий. 15 томлик.1-том. Хазойин-ул маъоний. Ғаройиб ус-сигар.Тошкент. 1963.469-бет.